

202__ йил «__» _____ даги
 _____-сон шартномага
 ИЛОВА

Фойдаланишга қабул қилинган газдан фойдаланиш ускуналари
 РЎЙХАТИ

Фаолият тури: _____

Катастр №

23:05:01:01:01:03:0409

Табиий газ тарифи 660 сум 00 тийин

Г/р	Корхона, участка, шех номи	Агрегатлар		Лойihalavi газ сарфи, мажбурият	Газни ҳисобга олиш приборларининг турлари
		номи	сони		
	Босм	airtel	5	2,88	Тренинг Г.10.

Келишилган

Рахбар _____
 (Ф.И.Ш.)
 ИМЗОСИ _____
 Мухр ури

Истеъмолчи
 Рахбар А. Себагшиев
 (Ф.И.Ш.)

ИМЗОСИ _____
 Мухр ури

Ижрочи _____
 (Ф.И.Ш.)

HUUDUGAZTA' MINOT
 HGT AKSIYADORLIK JAMIYATI

Табиий газни улгуржи истеъмолчиларга етказиб бериш ва қабул қилиш
 ШАРТНОМАСИ

2022 йил 10 ой 01 _____ 06/2-029
 _____-сон

(шартнома тузилган жой)

Низом асосида фаолият юритувчи _____

(кейинги ўринларда "Истеъмолчи" деб аталади), рахбари _____

томондан ҳамда Низом ва 2022 йил 05 ой 01 _____ да берилган 03-19-02/2023 бир
 ишончнома асосида фаолият юритувчи "Худудгазта' Минот" (газ таъминоти ташкилоти номи) (кейинги ўринларда "Етказиб беришчи" деб аталади),
 рахбари С. Ахмедов иккинчи томондан, қуйидагилар тўғрисида
 мазкур шартномани туздилар:

1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

- 1.1. Етказиб беришчи ўз зиммасига газ тармоқлари орқали Истеъмолчининг келишилган буюртма-номаси бўйича табиий газ (кейинларда ўринларда газ деб аталади) етказиб бериш мажбуриятини олади, Истеъмолчи эса ўз зиммасига ушбу шартноманинг 1.4-бандида кўрсатилган ҳажмда газни қабул қилиш мажбуриятини олади ҳамда тўловларни белгиланган нарх бўйича ўз муллатида амалга оширади.
- 1.2. Етказиб беришчи газни ушбу шартномага ва газлаштириш лойihalaviга мувофиқ, газдан фойдаланиш учун стандартлаштирилган ва сертификатга эга газ қурилмалари, шунингдек, электрон газни ҳисоблаш приборлари (кейинги ўринларда ҳисоблаш приборлари деб аталади) мавжуд бўлганда етказиб беради.
- 1.3. Истеъмолчи Етказиб беришчига тасдиқланган метърларга (Табиий газдан фойдаланиш коидаларининг 6-бандига) асосан ишлаб чиқариладиган маҳсулотга (ёки кўрсатилаётган хизмат) нисбатан келгуси йилда газга асосланган эҳтиёжни тақдим этади.

Истеъмолчи жорий йилнинг 15 июль кунига қалар келгуси йилда истеъмол қилиниши тахмин қилинаётган газ ҳажми бўйича буюртма беради.

1.4. Истеъмолчи билан келишилган буюртма бўйича етказиб бериладиган газ ҳажми техник шартларда белгиланган босим ва ҳажмда 2022 йилда 15302 куб.м, нархи 10099320 минг сўмни ташкил қилади, жумладан чораклар ва ойлар бўйича қуйидагича тақсимланади:

Чорак	Ҳажми	Нархи	Ой	Ҳажми	Нархи	Ой	Ҳажми	Нархи	Ой	Ҳажми	Нархи
I чорак	<u>15302</u>	минг.м3.	январь	<u>5167</u>	февраль	<u>5167</u>	март	<u>5000</u>			
II чорак		минг.м3.	апрель		май		июнь				
III чорак		минг.м3.	июль		август		сентябрь				
IV чорак		Минг.м3.	октябрь		ноябрь		декабрь				

Етказиб берувчи томонидан хизматларни тулик хажмда кўрсатиш учун магистрал ва газ таксимоти тармоқларининг ишлаши издан чинкан тақдирда, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 24 декабрдаги 277-сон қароридан кайда этилган стратегия ва иқтисодий аҳамиятга эга Истеъмолчиларга 20__ йилда зарур бўлган табиий газнинг минимал ҳажми _____ минг куб метрни, шу жумладан чораклар ва ойлар бўйича кўндалини ташкил қилди:

I чорак	_____	минг куб.м.	январь	_____	февраль	_____	март	_____
II чорак	_____	минг куб.м.	апрель	_____	май	_____	июнь	_____
III чорак	_____	минг куб.м.	июль	_____	август	_____	сентябрь	_____
IV чорак	_____	минг куб.м.	октябрь	_____	ноябрь	_____	декабрь	_____

1.5. Агар, Истеъмолчи ойлар бўйича бўлинган буюртмаларни тақдим этмаса, Етказиб берувчи томонидан чорак учун ажратилган табиий газ хажми ойлар бўйича бир хил миқсorda тақсимланади.

1.6. Етказиб берувчи Истеъмолчи буюртмаларини табиий газ ресурсларининг ва газни тақсимлашнинг таъсирчанлиги баълансига мувофиқ ажратилган хажмлар доирасида қайта кўриб чиқиши мумкин. Истеъмолчи томонидан навобатдаги ой (Чорак) учун кўрсатилган табиий газ хажмлари ўзгариши бўйича 10 кун олдин газ тарминоти ташкилотига хабар берган тақдирда, бундай ҳолат ортқиқча олинган газ миқсори деб хисобланмайдн.

II. ГАЗНИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ШАРТЛАРИ

2.1. Газ ушбу шартномада қайда этилган (1.4-банд) муддатларда ва хажмларда ҳамда ГОСТ 5542-2014 (Сановат ва коммунал фойдаланиш учун табиий ёлувчи газлар) га мувофиқ тарздаги табиий газни етказиб берилади.

2.2. Истеъмолчи Етказиб берувчидан ушбу шартноманинг 1.4 ва 1.5-бандларида асосан жорий ой учун газ истеъмолчининг сутқилик меъёри доирасида газ қабул қилиб олади, шунингдек, ой охирида тузилган газ етказиб бериш ва қабул қилиш даволатномасини имзолайди.

2.3. Етказиб берувчи Истеъмолчига 24 соат ичида газ етказиб бериш ва қабул қилиш тартиби ва шартлари ўзгарилиши тўғрисида бөрча ҳуулар орқали Истеъмолчини хабардор қилиши шарт.

Етказиб берувчининг авария-диспетчер хизматлари телефон рақамлари:

Истеъмолчи манзилли ва телефон рақами:

2.4. Етказиб берувчи Истеъмолчинин газ етказиб бериш кискартрилишига қадар қамлда 24 соат аввал бу ҳақида хабардор қилиши шарт, магистрал газ қувурларида юз берган авария ҳолатлари бундан мустасно. Истеъмолчи хабардор қилингандан кейин газ етказиб бериш дарҳол кискартрилади ёки тўхтатилади.

2.5. Магистрал ва тақсимловчи газ қувурларининг технологик иш режимида бузилганда, шунингдек, куз-киш мавсумида иқлимий соҳа объектларини ва аҳоли истеъмолчиларини бир маромда табиий газ билан таъминлаш мақсадида Етказиб берувчи Истеъмолчинин оғоҳлантирган ҳолда газ етказиб беришни чеклаш ёки тўхтатиб қўйиш ҳужуқига эга. Истеъмолчи эса захира ёқилиш туридан фойдаланишига ўтди.

2.6. Истеъмолчи Етказиб берувчи билан газ етказиб бериш-қабул қилиш доирасида тежор маълумотларни мунтазам алмашишни таъминлаш учун жавабгарлиқни ўз зиммасига олади.

2.7. Истеъмолчи захира ёқилиш туридан фойдаланишни қўла тутиши ва уни етказиб берувчининг асосланган талаби билан табиий газдан фойдаланиш қондалирига мувофиқ захира ёқилишга ўтиши ва газдан фойдаланишни тўхтатиш лозим. Газ етказиб беришининг тўхтатилиши тегишли даволатнома билан расмийлаштирилади.

2.8. Истеъмолчи ўнгла тегишли бўлган газ тармоқлари ва уларда ўрнатилган фойдаланиш, уларга хизмат кўрсатиш ҳамда саклаш учун жавабар хисобланади.

2.9. Истеъмолчининг қўшимча газдан фойдаланиш ускуналари ўрнатилиши, реконструкция қилиниши ёки таъмирланиши оқибатида газ сарflash хажми ўзгаришига олиб келган ҳолларда, Истеъмолчи Етказиб берувчидан қўшимча газдан фойдаланиш ускуналарини ўрнатитиш ёки реконструкция қилишга техника шартларини олиши шарт. Газ тармоқларига уланиш Табиий газдан фойдаланиш қондалирига мувофиқ амалга оширилади.

2.10. Истеъмолчи ёки Етказиб берувчининг тўлов рекевизитлари ўзгариш ҳолатларда улар зудлик билан бир-бирини бу ҳақида хабардор қилиши шарт.

2.11. Табиий газни казиб олиш, қайта ишлаш, узатиш, тақсимлаш ва истеъмол қилиш режимиининг ягона узлуқсиз технологик жарёёнини хисобга олиб, табиий газни ишлаб чиқарувчи ва Етказиб берувчининг талабларини бажарити Истеъмолчилар учун мажбурий хисобланади.

III. ЕТКАЗИБ БЕРИЛГАН ГАЗНИ ХИСОБГА ОЛИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШИ

3.1. Газни хисобга олмастан етказиб беришга йўл қўйилмайдн.

3.2. Етказиб берилган газ миқсори газ тармоқлари бўлиниши четарсанда ўрнатилган хисоблаш приборлари кўрсаткичлари ёки ўлчаш комплексини бўйича аниқланади ҳамда хар икки томон имзолайдиган газ етказиб бериш ва қабул қилиш даволатномаси билан расмийлаштирилади.

Газ тармоғи бўлиниши четарсаси (Истеъмолчи балансида бўлган газ тармоғининг бошлангиши хисобланиб) Етказиб берувчи ва Истеъмолчи ўртасидаги, тегишлилиги бўйича аниқланадиган газ тармоғи бўлиниши нуқтаси хисобланади ва унда хисоблаш приборлари ўрнатилиши шарт.

3.3. Бирлик миқсори стандарт шартда 1 м³ газ олинди: харорат 20° С, ёсим 101.325 кПа (760 ммНё) (ГОСТ 2939-63 1.1-бандга асосан). Газ хажми газнинг физик-кимёвий параметрлари (стандарт шартда, азот ва карбонат ангидрид) қийматлари бўйича тузатилади.

Газ миқсори "ўстандарт" агентлигининг меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари талабларига мувофиқ газ миқсорини стандарт шартда автоматик равишда келтириладиган газни хисоблаш приборлари ёрдамида аниқланади.

3.4. Етказиб берувчининг ёки Истеъмолчининг балансида бўлган газ ўлчаш прибори ва/ёки ўлчов комплексини унинг мулк хисобланади.

3.5. Истеъмолчи томонидан газ ўлчаш прибори ва/ёки ўлчов комплексини танловни тегишли қондалар ва меъёриларга мувофиқ амалга оширилади ва Етказиб берувчи билан келишилади. Истеъмолчи томонидан газ ўлчаш прибори ва/ёки ўлчов комплексини газ

истеъмолини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизим (ТТХНАТ-АСКУ) дарига улаштириш лозим.

3.6. Газ ўлчаш приборлари ва/ёки ўлчов комплексини ўрнаттиш ва ишлатиш амаллари қондалар ва меъёрларга мувофиқ амалга оширилиши керак.

3.7. Газ ўлчаш приборлари ва/ёки ўлчов комплекси эгаси уни ишлатиш давомида О'з ДСР 8.030:2008 "Ёқилги ва энергия. Ҳисобга қўйилмаган умумий талаблар", О'з ДСР 8.031:2008 "Ёқилги ва энергия. Ўлчаш приборлари билан жинҳозлаш ва уларни ишлатиш" давлат стандартлари талабларига, шунингдек ўлчаш приборлари ишлаб чиқарувчининг талабларига риоя қилиши.

3.8. Газ ўлчаш приборлари ва/ёки ўлчов комплексларининг метрологик ва техник тавсифлари амалдаги меъёрлар ва қондаларга мувофиқ бўлиши керак.

3.9. Газ ўлчаш приборлари ва/ёки ўлчов комплекслари "Ўзстандарт" агентлигининг жорий қиёсов кўринидан ўтказилган сертификати ва/ёки метрологик аттестациясига эга бўлиши керак. Газ ўлчаш приборлари ва/ёки ўлчов комплексларининг қиёсов кўринидан ва/ёки метрологик аттестациясидан ўтиш даврини "Ўзстандарт" агентлиги белгилайди.

Газ ўлчаш приборлари ва/ёки ўлчов комплекслари эгаси газ ўлчаш приборларини қиёсов кўринидан ўтказиш ва/ёки ўлчов комплексларини (ва унинг таркибий қисмларини) "Ўзстандарт" агентлигида метрологик аттестациядан ўтказишнинг ўз вақтида бажарилиши учун масъулдир.

3.10. Режалаштирилган ишларнинг бир қисми сифатида (қиёсов кўрини/қалиблараш, торайтириш мосламасини алмаштириш, таъмирлаш) газ ўлчаш приборларини ва/ёки ўлчов комплексининг қисмларини ечиш ва ўрнаттиш техник ва/ёки ишлаб чиқариш эҳтиёжлари асосида келишув бўйича ва иккала томоннинг вақиллари иштроқда амалга оширилади.

Газ ўлчаш приборларини ва/ёки ўлчов комплексининг қисмларини ечиш, ўрнаттиш, уни ишлаб чиқарувчининг талабларига ва амалдаги меъёрлар ва қондаларга мувофиқ эгаси (ёки унинг сервис хизмат кўрсатувчи вақили) томонидан амалга оширилади.

3.11. Режалаштирилган ишларнинг бир қисми сифатида (қиёсовлаш кўрини/қалиблараш, торайтириш мосламасини алмаштириш, таъмирлаш) газ ўлчаш приборларини ва/ёки ўлчов комплексининг қисмларини ечиш ва ўрнаттиш техник ва/ёки ишлаб чиқариш эҳтиёжлари асосида келишув бўйича ва иккала томоннинг вақиллари иштроқда амалга оширилади.

Газ ўлчаш приборларини ва/ёки ўлчов комплексининг қисмларини ечиш, ўрнаттиш, уни ишлаб чиқарувчининг талабларига ва амалдаги меъёрлар ва қондаларга мувофиқ эгаси (ёки унинг сервис хизмат кўрсатувчи вақили) томонидан амалга оширилади.

Етказиб берувчининг вақилнинг газ ўлчаш приборлари ва/ёки ўлчов комплексининг эгаси чакради.

3.12. Газ ўлчаш приборлари ва/ёки ўлчов комплексларини модернизация қилиш, ўлчаш приборларини алмаштириш, газни ўлчашнинг бошқа усулларини танилаш амаллари Етказиб берувчи билан келишилади.

3.13. Газнинг физик-кимёвий параметрлари (стандарт шароитдаги зичлик, азот роёнат ангиллари) газ ўлчаш приборининг конфигурациясига киритилади.

Газ ўлчаш приборининг эгаси газнинг физик-кимёвий параметрларини ўз вақтида газ ўлчаш приборини конфигурациясига киритиши таъминлайди. Етказиб берувчи Истеъмолига газнинг физик-кимёвий параметрларини ўз вақтида етказиб берилишини таъминлайди.

3.14. Етказиб берувчи ўзининг тамгаларини газ ўлчаш приборларига ва/ёки иштроқдаги ўрнатилган ва/ёки таъсир қилдирган қисмларига Истеъмолига бўлишига Истеъмолига жавобдир.

3.15. Етказиб берувчи Истеъмолининг газ ўлчаш приборлари ва/ёки ўлчов комплекслари ва уларнинг таркибий қисмларининг тўғри ишлашини кузатиш ҳуқуқига эга. Шу билан бирга, Истеъмолига Ўзбекистон Республикаси қончилигида мувофиқ Етказиб берувчи вақилларнинг ўлчаш приборлари ва/ёки ўлчаш комплексларига тўқикиз киришини таъминлайди.

3.16. О'з ДСР 8.586(1-5)-2005 бўйича ўлчов комплекси ва ўлчаш приборлари ишида тайригабоний ҳолатлар юзага келган тақдирда О'з ДСР 8.064:2017 бўйича газнинг микдори ҳисобланади (корректуровка). Ўлчаш қуримаси ва /ёки ўлчаш комплекси фойдаланишга аралаштириш ҳолатлари бундан мустафо.

3.17. Олинган газ учун ҳисоб-китоб, қуйидаги ҳолларда тамгаланамаган газдан фойдаланиш ускунасининг 24 соат давомида ишлаб туриши ҳисоб-китобидан амалга оширилади:

а) газни ҳисобга олман ҳолда газ истеъмоли – газни ҳисоблаш прибори ва газни сарф қилиш нормаси бўлмаганда, газни ҳисоблаш приборини четлаб ўтган ҳолда истеъмоли қилиш (ноқонуний байпас линиялари уланганда) охириги хатловдан ўтказиш даволатномаси тузилган кундан анқиланган кунгача, лекин даъво муддатидан кўл бўлмаган даврга;

б) ҳисобга олиш приборини улаш тартиби ва схемаси ўзгартрилганда - охириги хатловдан ўтказиш даволатномаси тузилган кундан, лекин даъво муддатидан кўл бўлмаган даврга;

в) ҳисобга олиш прибори бузилганда (ҳисобга олиш прибори бузилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлганда) – шартноманинг 1.4 ва 1.5-бандларини инобатга олган ҳолда бир ҳисоб-китоб давридан кўл бўлмаган вақтга;

г) ҳисобга олиш прибори мавжуд бўлмаганда – қиёсов кўринидан ўтказиш учун ечилганда – ҳисобга олиш прибори ечилган кундан "Ўзстандарт" агентлигидан қиёсовдан ўтказилиб, сертификат олиндиб жойига ўрнатилган кунгача бўлган вақтга;

д) ҳисобга олиш приборини қиёсов кўринидан ўтказиш ва/ёки ўлчов комплексини метрологик аттестациядан ўтказиш муддати тугатилганда – қиёсов кўринидан метрологик аттестация ўтказиш муддати тугатган кундан қиёсов кўринидан ёки метрологик аттестация ўтказиш учун ечилган кунгача бўлган вақтга;

е) ҳисобга олиш прибори ёки ўлчов комплексининг қисмларига ўрнатилган тамгаларнинг бўлиши бузилганда – охириги кўрик ёки газ таъминоти ташкилот вақили бориб кўрган вақтдан бошлаб бўлмаган вақтга;

ж) ҳисобга олиш приборини ўзбошимчилик ечиб қўйилганда – охириги кўрик ёки газ таъминоти ташкилот вақили бориб кўрган вақтдан бошлаб анқиланган кунгача бўлган вақтга;

з) газни тарқатиш тармоқларининг технологик режимини бузадиган газ қувурларида ёки ТТПларида асбоб-ускуналар ўрнатилганда - охириги кўрик ёки газ

таъминоти ташкилоти вакили бориб кўрган вақтдан бошлаб аниқланган кунгача бўлган вақтда:

и) Газ ҳисоблаш ускунасининг конфигурацияларига ноқонуний тарзда ташқи таъсир кўрсатган ҳолда табиий газни истеъмол қилиш ҳолатлари аниқланганда – ташқи таъсир кўрсатилган кундан бошлаб (агар аралашув кунини ва фактини тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлса), бироқ даъво мuddатидан ортиқ бўлмаган мuddатга;

к) ҳисобга олиш приборининг хотирасида сақланадиган архив маълумотларини йўқотиш, газ ўлчашни автоматлаштирилган тизимдан ҳисобот ойда маълумотлар олиш имкони бўлмаганда ёки етказиб берувчининг оператив журналларидан олинган маълумотлар бўлмаган тақдирда. (Ҳисоб-китоб учун ТГҲНАТ (АСКУГ) тизими жорий қилинган истеъмолчиларда ҳисобот даври учун архив маълумотлари мавжуд бўлмаган ҳолларда истеъмол қилинган табиий газ ҳажмлари тўғрисидаги маълумотлар ТГҲНАТ тизимида қайд этилган маълумотлардан олинади);

л) газ истеъмоли ҳажмлари ҳисобга олиш приборининг рухсат этилган максимал ўлчов чегарасидан ортиқча бўлганда, пломбаланмаган газ жиҳозларидан фойдаланилган газ учун ҳисоб-китоблар охириги ҳатловдан ўтказиш далолатномаси тузилган кундан, ҳатлов далолатномаси мавжуд бўлмаганда эса – газ таъминоти ташкилоти вакили томонидан охириги марта бориб кўрилган кундан амалга оширилади;

м) газлаштириш ҳужжатларини расмийлаштирмасдан истеъмолчи томонидан қўшимча газ қурилмаси ўрнатиш ҳолати аниқланганда (қўшимча газ анжомларини ўрнатиб олиб фойдаланаётганлик факти бўйича асослантирувчи ҳужжатлар мавжуд бўлганида) - бир ҳисоб-китоб даврига;

3.18. Истеъмолчининг ҳисобга олиш прибори газ ҳажмини пастки чегараси остида сарфлаганда, газ ҳажми ҳисобга олиш прибори ва ёки ўлчов комплексининг меъёрий-техник ҳужжатларида кўрсатилган ўлчовининг пастки чегарасида олинади.

3.19. Етказиб берувчи томонидан етказиб берилмаган газ ҳажмининг ишончлилигига таъсир кўрсатувчи ўлчов комплекслари ва ҳисоблаш приборларининг ишлаши бузилган ҳолатлар аниқланганда, Етказиб берувчи "Ўзстандарт" агентлиги бўлиналарида ўлчов комплекслари ва газни ҳисоблаш приборларини экспертизадан ўтказишни талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Агар ўлчов комплекслари ва ҳисоблаш приборлари носоз бўлса, экспертизадан ўтказганлик учун тўловлар Истеъмолчи томонидан, соз ҳолатда бўлганда эса – экспертиза ўтказилиши талаб қилган Тараф томонидан амалга оширилади.

3.20. Агар ҳисобга олиш прибори ишдан чиққанда ёки ҳисобга олиш приборидан газ сизиб чиқиш ҳолатлари аниқланган тақдирда Истеъмолчи 24 соат ичида Етказиб берувчига бу ҳақда хабар бериши шарт. Шунингдек корхонадаги газ ишлатадиган асбоб-ускуналарни ишлаш графигини тузиши ва ишламайдиган газ асбоб-ускуналарини Етказиб берувчи билан биргаликда ўчириб тамгаланишини таъминлаши шарт.

3.21. Ҳисобга олиш приборларида газ сизиб чиқиш ҳолати аниқланган тақдирда қайта ҳисоб-китоблар охириги кўрик ёки газ таъминоти ташкилоти вакили бориб кўрган вақтдан бошлаб аниқланган кунгача, лекин даъво мuddатидан кўп бўлмаган даврда амалга оширилади. (O'z DSt 8.586 га кўра газни аниқлаш тизимлари герметик ҳолатда бўлиши керак).

IV. ЕТКАЗИБ БЕРИЛГАН ГАЗ УЧУН ҲИСОБ-КИТОБНИ АМАЛГА ОШИРИШ

4.1. Истеъмолчи мазкур шартнома асосида етказиб берилган газ учун тўловни амалга ошириши шарт.

4.2. Газ учун нархлар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан амалдаги қонунчиликка мувофиқ белгиланади.

4.3. Истеъмолчи ҳисоб-китоб қилиш даври бошланишидан камда 5 кун олдин Етказиб берувчининг ҳисоб рақамига ушбу шартноманинг 1.4 ва 1.5-бандларида кўрсатилган ойлик газ ҳажми қийматининг 100 фоиз суммасини олдиндан тўлайди.

Ҳисоб-китоб даври бошланишидан камда 5 кун олдин ҳисоб-китобни 50 фоиз олдиндан ҳақ тўлаш асосида амалга ошириш хоҳишини билдирган истеъмолчилар ҳисоб-китоб амалга ошириладиган даврни кўрсатиб етказиб берилган табиий газ учун 50 фоиз олдиндан ҳақ тўлаш асосида ҳисоб-китоб қилиш тўғрисида Етказиб берувчига билдирги тартибда мурожаат қилишга ҳақлидир. Бундай ҳолатларда истеъмолчилар ҳисоб-китоб даври бошланишидан камда 5 кун олдин табиий газ таъминоти ташкилотининг ҳисоб рақамига табиий газ етказиб беришга тузилган шартномада кўрсатилган ойлик табиий газ ҳажми қиймати суммасининг 50 фоизи миқдоридан олдиндан ҳақ тўлашлари шарт. Амалда истеъмол қилинган табиий газ ҳажми учун якуний ҳисоб-китоб ҳисобот ойининг охиригача амалга оширилади.

4.4. Истеъмолчига газ олдиндан тўловсиз етказиб берилмайди.

4.5. Олдиндан тўлов амалга оширилмаган тақдирда, Истеъмолчига газ етказиб берилмайди (стратегик корхоналар ва ижтимоий аҳамиятга эга истеъмолчилар бундан мустасно).

4.6. Истеъмолчи ҳар ойнинг 10 санасига қадар аввалги ойда истеъмол қилинган газ учун якуний ҳисоб-китобни амалга ошириши керак.

4.7. Стратегик ва ижтимоий аҳамиятга эга Истеъмолчилар ҳисоб-китоб қилиш ойн тугагандан кейин 30 кун мобайнида олинган газ учун якуний ҳисоб-китобни амалга оширадилар.

4.8. Табиий газдан фойдаланишда Истеъмолчининг айби билан табиий газ етказиб беришга шартномада кўрсатилганидан ҳажмдан кам фойдаланилган тақдирда, аванс тарзида тўланган маблағлар қайтарилмайди, кўрсатиб ўтилган маблағлар эса келгусида газдан фойдаланишда ҳисобга олинади.

4.9. Истеъмолчи томонидан табиий газ етказиб бериш учун тузилган шартномада белгиланганидан кўп ҳажмда ва газ таъминоти ташкилоти билан олдиндан келишилмасдан газ олинган тақдирда, Истеъмолчидан шартномадаги ҳажмлардан ортиқча олинган табиий газ қийматига нисбатан 1,4 коэффицент билан оширилган тўлов ундирилади.

Бунда, белгиланган тартибда ҳисоблаш приборини алмаштириш, таъмирлаш, хизмат кўрсатиш, текшириш ва созлигини мониторинг қилиш учун ечиб олиш, шунингдек, Истеъмолчига алоқадор бўлмаган турли хил (электр таъминоти носозлиги, чакмоқ, қисқа туташув ва х.к.)даги техник носозликлар аниқланганлиги сабабидан истеъмол қилинган табиий газ ҳажминини ўрнатилган газ асбоб ускуналарини тўлиқ қуввати бўйича ҳисоб-китоб қилиниши натижасида шартномадаги ҳажмлардан ортиқ ҳажмларни ташкил қилган ҳолатлар бундан мустасно.

4.10. Табний газ учун Истерьмогчининг карзи мавжуд бўлган тақдирда, унинг аванс тўлови хисобига ўтказилган маблағлари Истерьмогчинини хабардор қилган ҳолда карзини қоплашга йўналтирилади ва аванс тўлови сифатда хисобга олинмайди.

4.11. Шартномада кўрсатиб ўтилган муддатларда етказиб берилган газ қиймати ўз вақтида тўланмаганда, Истерьмогчи мuddати ўтган хар бир кун учун мuddати ўтган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорда, лекин мuddати ўтган тўлов суммасининг 50 фоизидан ошмайдиган миқдорда пеня тўлайди.

4.12. Хисоб-китоб оғинда етказиб берилган табний газ хажми Етказиб берувчи вакиллари томонидан табний газ истерьмоглини хисобга олиш приборидан кўрсаткичларни ўзи олиш (ТТХНА)га уланган, шунингдек, табний газни истерьмоп қилишни хисобга олиш приборларига эга бўлмаган ва белгиланган меъёрлар бўйича хисоб-китоб қилгандан истерьмогчилар бундан мустасно) асосида, кейинчалик Ёзиб олинган кўрсаткичлар Fossa тизимига киритиш, шунингдек, истерьмогчилар томонидан табний газ истерьмоглини хисобга олиш приборлари кўрсаткичларини интерактив хизматлар воситаларидан фойдаланган ҳолда киритиш орқали аниқланади.

4.13. Шартноманинг 4.12-бандига асосан кўрсаткич олинганидан сўнг кейинги ойнинг 5 кунига қадар Етказиб берувчи томонидан хисоб-китоб оғи учун газ етказиб бериш-қабул қилиш даволатномаси расмийлаштирилади. Расмийлаштирилган газ етказиб бериш-қабул қилиш даволатномасига асосан истерьмогчинга электрон хисобварак-фактура юборилади.

4.14. Етказиб берувчи ва Истерьмогчи ўртасидаги хисоб-китобларнинг ҳаққонийлигини таъминлаш учун хисобот даврида газни етказиб бериш-қабул қилиш даволатномаси Истерьмогчида қуйидаги техник ҳужжатлар мавжуд бўлганда расмийлаштирилади:

а) газни хисоблаш прибори хотирасидан хисобот даври учун олинган (кўчирма) архив маълумотлари;

б) Истерьмогчинга тақдим этиладиган, Истерьмогчининг бўлиниш чегарасиганга бўлган жойдаги газ тармоқлари ва ГТКлардаги технологик йўқотишларнинг ҳажми тўғрисидаги даволатноманинг мавжудлиги; Бунда Истерьмогчи балансида бўлган газ тармоқлари ва ГТКдаги технологик йўқотишлар Истерьмогчи хисобига олиб борилди.

4.15. Истерьмогчин ойнинг 7 кунидан кечиктирмасдан Етказиб берувчидан хисоб-китоб оғи учун газ етказиб бериш ва қабул қилиш даволатномасини қабул қилиб олади, имзолайди ва бир нухасини Етказиб берувчига жўнатади. Расмийлаштирилган газ етказиб бериш-қабул қилиш даволатномасига асосан электрон хисобварак-фактурани қабул қилади.

4.16. Табний газни етказиб бериш-қабул қилиш даволатномасини имзоламаслик ёки уни эътирозлар билан имзолаш Истерьмогчинини кўрсатиб ўтилган табний газ хажмлари учун тўловлардан озод қилмайди. Узатилган ёки қабул қилинган газ миқдорини аниқлашдан норози бўлган томон даволатномада норозилик сабабларини мажбурий асос эттириш йўли билан хисоб-китоб қилиш оғи тўғрисида кейин 10-кунгача бошқа томонга бу тўғрисида маълум қилиб, сўнг даволатноманинг бир нухасини Етказиб берувчи вакилга тақдим қилади. Ушбу масалани ўзаро ҳал этиш имконияти бўлмаганда, келишмовчилик сабаблари белгиланган тартибда кўриб чиқилиши керак.

4.17. Истерьмогчидан дебитор қарзлари ундириш Етказиб берувчи томонидан қонунда белгиланган тартибда амалга оширилади.

4.18. Газ ўзиб қўйилганидан сўнг ўзбошимчилик билан қайта уланганда, истерьмог қилинган газ хажми ва унинг қиймати газ ўзиб қўйилган кундан бошлаб,

уланган газдан фойдаланиш ускунасининг бир суткада 24 соат ичида тўлик қувват билан ишлаб туриши хисобидан аниқланади.

4.19. Газ учун амалдаги тарифлар (нархлар) ўзгарган тақдирда, Етказиб берувчи бу ҳақидаги ахборотни ўн беш кун олдин оммавий ахборот воситалари орқали хабардор қилади. Газ учун тарифлар ўзгаришида, мазкур шартнома ўз қучида қолади, истерьмоп қилинган газ учун тўлов эса янги тариф асосида, у қонунда белгиланган тартибда қучга кирганидан сўнг амалга оширилади. Бунда истерьмогчи табний газнинг аванс тарикасида тўланган хажми учун тўлов кундан бошлаб қўли билан кейинги 1 ой кўшимча тўлов тўлашдан озод қилинади.

У. ХУКУМБУЗАРЛИКЛАР ВА ГАЗДАН НОҚОНУНИЙ ФОЙДАЛАНИШ УЧУН ЖАВОБГАРЛИК

5.1. Газдан фойдаланишида Истерьмогчи томонидан мазкур шартноманинг 3.17. ва 4.18.-бандда кўрсатиб ўтилган хукумбuzарликларга йўл қўйилиши, Етказиб берувчи ва Истерьмогчи вакиллари томонидан имзоланадиган ва икки нухада тuzиладиган даволатномаси билан расмийлаштирилади.

5.2. Ушбу шартноманинг 5.1-бандига асосан расмийлаштирилган даволатномага мувофиқ Истерьмогчидан, фойдаланган газ хажми қиймати (амалдаги тарифлар бўйича) ундириб олинади.

5.3. Бунда мазкур шартноманинг 5.2-бандига кўрсатилган ҳолатларда газ хажми қийمатининг ундирилиши Истерьмогчинини қонунчиликда белгиланган жавобгарликдан озод қилмайди.

VI. ТАРМОҚДАН ЎЗИБ ҚЎЙИШ ВА ҚАЙТА УЛАНИШ ТАРТИБИ

6.1. Истерьмогчида қуйидаги ҳолатларнинг мавжудлиги ҳамда ушбу ҳолатларнинг бартараф этилуғинга қадар газ тармоқларидан ўзиб қўйилди:

- шартномавий мажбуриятлар бажарилмаганда;

- Етказиб берувчи вакиллари томонидан газдан фойдаланиш ускуналари ва хисобга олиш қурilmаларини назоратдан ўтказишга йўл қўйилмаганда;

- фойдаланилган газ учун хисоб-китоб ўз вақтида амалга оширилмаганлиги натижасида қарздорлик мавжуд бўлганда;

- шартномада белгиланган буюртмаларга етарли миқдорда олдндан тўловлар амалга оширилмаганда;

- Етказиб берувчининг ва "Ўзнефтгазинспекция"нинг кўрсатмалари бажарилмаганда;

- хисоблаш приборларига қасддан зарар етказилганда, прибор кўрсаткичларини ўзгарттириш мақсадида уларнинг ишлашига тўсқинлик қилувчи хатти-ҳаракатлар амалга оширилган ҳолатларда;

- газни хисобга олиш приборларига ташқи таъсир кўрсатишга ҳаракат қилиш;

- Газдан фойдаланиш қондаларига энд равнишда газ тармоқларига ноқонуний уланиш ёки бошқа қондабузарликлар ёқуд газни талон-тарож қилиш ҳолатлари аниқланганди;

Бунда Етказиб берувчи газ таъминотининг ўчирилиши натижасида етказилган моддий зарар ёки бой берилган фойда учун жавобгарликни ўз зиммасига олмайд.

6.2. Тармоққа қайта уланнишда амалдаги конунчиликка мувофиқ Истеъмолчидадан базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн баравари миқдорда ҳақ ўндирилади. Шартномадаги 13.1.-бандда кўрсатилган ҳоллар булардан мустасно.

6.3. Газ истеъмолини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизми (ТТХНАТ) ларига уланган истеъмолчиларни масофадан қайта улаш учун ҳақ ўндирилмайди.

VII. ТАРАФЛАРНИНГ ХУҚУҚЛАРИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ.

7.1. Етказиб берувчи қўйилганларга мажбур:

- ўзига қаратилган бўлган газ тармоқларини соз ҳолатда сақлаш ва уларни ўз ҳисобидан таъмирлаш-тиклаш;
- ўз газ тармоқларининг техник ҳолатини ва уларда руҳсатсиз уланнишларни аниқлаш учун даврий кўздан кечириш;
- табиий газ етказиб бериш қисқарган ёки тўхтаган тақдирда бу тўғрида Истеъмолчиларни хабардор қилиш;
- газ ҳисоблаш ускуналаридан олинган архив маълумотларини, электрон маълумотларнинг борча параметрларини камда уч йил мобайнида ўзига сақлашнинг шартини таъминлаш;

- шартноманинг 3.17. ва 4.18.-бандларида кўрсатилган ҳолатлар содир этилганлиги ва ушбу ҳолатларни бартараф этилганлиги қадар табиий газ таъминотини қўшимча оғоҳланттиришларсиз тармоқдан ўчириниш;

- табиий газнинг руҳсатсиз истеъмол қилинганлиги, газ тармоқлари моддий бойликларининг талон-тарож қилинганлиги тўғрисида ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларини хабардор қилиш;

- Истеъмолчида газ етказиб бериш шартномасида келишилган шартлар асосида газни етказиб бериш:

- конунда назарда тутилган тартибда монополияга қарши давлат органининг тақдирномасига асосан шартномага ўзгартиришлар киритиш;
- Етказиб берувчи ва ваколатли давлат органларининг мажбурий кўрсатмаларини бажариш;

- техник хизмат кўрсатиш шартномаларига мувофиқ истеъмолчиларнинг ички газ тармоқлари, газдан фойдаланувчи ускуналарини техник тафтишдан ўтказиш ва уларга профилактика хизмат кўрсатиш:

- табиий газ сизиб чиқишида — дарҳол;
- ояқат тайёрлаш учун мўлжалланган газдан фойдаланиш ускуналарининг носозлигида — бир кун давомида;
- иситиш мавсумида иситиш учун мўлжалланган газдан фойдаланиш ускуналарининг носозлигида — бир кун давомида;

- иссиқ сув ва иситиш учун мўлжалланган газдан фойдаланиш ускуналарининг носозлигида (иситиш мавсумидан ташқари вақтда) — икки кун давомида;

- Газдан фойдаланиш ускуналарини 5 сутка муддат ичида алмаштириш;

Етказиб берувчи конунчиликка мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

7.2. Етказиб берувчи қўйидаги ҳуқуқларга эга:

- техник заруратга кўра, Истеъмолчини белгиланган тартибда хабардор қилган ҳолда, табиий газни етказиб беришни қисқартриш ёки тўхтатиш;

- газ таъминоти тармоқларига руҳсатсиз уланниш ҳолатлари аниқланганда уларни белгиланган тартибда газ тармоқидан ўзиб қўйиш;

- Истеъмолчилардан табиий газдан фойдаланиш қондалари ва газни етказиб бериш шартномаси талабларига риоя этишни талаб қилиш;

- табиий газни етказиб бериш шартномасини ижро қилишдан қонун ҳужжатларига мувофиқ бир томонлама воз кечиш;

- газ тармоқларида авариянинг олдини олиш ёки бартараф этиш юзасидан кечиктириб бўлмайдиган чораларни қўриш зарурати юзга келганда, Истеъмолчи билан табиий газни етказиб беришни тўхтатиш ёки чеклаш;

- ушбу шартномада назарда тутилган ҳолатларда, аниқланган қоидабузарликлар бартараф этилганлиги қадар аввалдан оғоҳланттирмаган ҳолда газ етказиб беришни тўхтатиш.

- табиий газ етказиб бериш шартномасини бир томонлама бекор қилиш.

7.3. Истеъмолчи қўйилганларга мажбур:

- ҳисобот ойда табиий газ етказиб бериш ва қабул қилиш даъволатномасини ва ҳисоб-аврақасини расмийлаштириш учун ҳар ойнинг 5-санасигача Етказиб берувчига электрон газ ҳисобдонини архив маълумотлари (распечатка) ёки газни ҳисобга олиш приборларининг кўрсаткичларини тақдим этиш.

- газдан оқилонга ва тежамкорлик билан фойдаланиш;

- газ ҳўжаллиги газ қувурлари ва ускуналарини техник жихатдан соз ҳолатда сақлаш;

- газ тармоқларида ёки газдан фойдаланиш ускунасида вуҳудга келган табиий газ сизиб чиқиши ҳолати ҳақида газ таъминоти ташкилоти диспетчерлик хизматларини зудлик билан хабардор қилиш;

- ўзининг газ тармоқлари дахлсизлигини таъминлаш ва эҳтимоли бўлган руҳсатсиз уланнишларни аниқлаш мақсадида уларни ва улардаги ускуналарини мунгазам равишда кўздан кечириб чиқиш;

- газ таъминоти ташкилотлари газ тармоқларида сертифициланган, таъшиштириш лойиҳасига (ЛПХ) мувофиқ бўлган газдан фойдаланиш ускунасининг уланнишга йўл қўймаसлик;

- газ етказиб берувчи вақиллари ва "ўзнефгазспекция" ҳодимларининг (тегишли Губоҳнома кўрсатилган тақдирда) табиий газни истеъмол қилишни ҳисобга олиш приборларини ва ёки газдан фойдаланиш ускунасини қўннинг исеталган вақтда эркин кўздан кечиринишни таъминлаш;

- газдан фойдаланиш ускунасидаги носозликларни (бундай турдаги ишларни бажариш ҳуқуқига эга бўлган ихтисослаштирилган бригадалар ёки ходим ёрдамида) бартараф этиш;

- табиий газ истеъмолини ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичларини ўзгартириш мақсадида уларнинг ишлашига тўққинлик қилувчи ҳаракатларни амалда оширмамаслик, уларнинг қисқадан бўлишига йўл қўймамаслик ва ўрнатилган тамгаларнинг бутунлигини таъминлаш;

- таъбний газ истеъмолчини ҳисобга олиш приборлари ишидаги носозлик аниқланган тақдирда, газ таъминоти ташкилотини ўзи учун қўлай шаклда дарҳол хабардор қилиш.

- Газ тармоғи бўлиниши чегарасида таъбний газ сарфи бўйича маълумотларни масофадан олиш имкониятини берувчи газ истеъмолчини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган (ТТХНАТ-АСКУП) тизимида уланган ҳисоблаш приборлари истеъмолчи томонидан ўрнатилиш.

7.4. Истеъмолчи Етказиб берувчидан кўйдаларни талаб қилиш ҳуқуқига эга:

- етказиб берилган таъбний газнинг аниқланган ҳажмига ва бошқа параметрларга норози бўлган тақдирда, Етказиб берувчининг таъбний газни истеъмолчини ҳисобга олиш приборлари ишлашининг ишончлилигини текшириш учун комиссия ташкил этиш;

- таъбний газнинг стандартлаштириш бўйича норматив ҳужжатларда кўзда тутилган сифатда ва етказиб бериш режимида риоя қилган ҳолда узатилиши;

- таъбний газни етказиб бериш шартномаси бекор қилинганда, фойдаланилмаган газ ҳажми учун тўланган суммани қайтариш;

- таъбний газни етказиб бериш шартномасини қонуни ҳужжатларига мувофиқ бир томонлама бекор қилиш;

- таъбний газни етказиб бериш тўхтайтилганда, зарарни қоплашни талаб қилиш (шартноманинг 2.5. ва 6.1. бандлари бундан мустасно);

- газ етказиб беришни вақтинча тўхтайтишни.

Истеъмолчи қонуничилик ҳужжатларида белгиланган бошқа ҳуқуқларга эга бўлиши мумкин.

VIII. ТАРАФДАРИНИНГ МОДИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ

8.1. Етказиб берувчи Истеъмолчига газ етказиб бериш шартномасига асосан газ етказиб берилмаган ёки тўлиқ етказиб берилмаганлиги оқибатида етказилган моддий зарар ва бой берилган фойдани белгиланган тартибда қоплайди.

Етказиб берувчи газни етказиб бермаганлик ёки тўлиқ етказиб бермаганлик учун қуйидаги ҳолларда жавобгар ҳисобланмайди:

а) Истеъмолчи томонидан газ таъминоти тармоқларида қўшимча газдан фойдаланиш ускунасини руҳсатсиз улаш ҳолати аниқланганда;

б) фойдаланилган газ учун тўлов амалга оширилмаганда;

в) қонуни ҳужжатларида назарда тутилган ҳолатларда.

г) истеъмолчи томонидан шартнома талабларига амал қилинмаганда;

д) мазкур шартноманинг 2.5. ва 6.1. бандларида кўрсатилган ҳолларда.

8.2. Етказиб берувчи томонидан шартнома мажбуриятларининг бажармаслиги натижасида Истеъмолчига моддий зарар етказилганда, Етказиб берувчининг мансабдор шахсига нисбатан базавий ҳисоблаш микдорининг ўн баробаридан ўн беш барабари микдориди жарима қўлланади.

8.3. Шартномада кўрсатилган ҳажмдан кам ҳажмда газ етказиб берилган тақдирда, Етказиб берувчига нисбатан Ўзбекистон Республикасининг "Ҳужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида" ги Қонуни асосида жарима санкциялари қўлланилади, қуйидаги ҳолатлар бундан мустасно:

а) форс-мажор ҳолатлар;

б) магистрал газ қувурларида ва газ тармоқларида авария ҳолатлари юз берганда, Республикаси Вазирилар Маҳкамасининг 2008 йил 24 декабрдан 277-сон қарорлари, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирилар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари қарорлари билан тасдиқланган газ етказиб бериш тармоғидан ўзиб қўйилмайдиган объектлар рўйхатида қиртилган қорхоналардан ташқари);

г) шартнома асосида Истеъмолчи томонидан ўз зиммасига олинган мажбуриятлар бажарилмаганда.

8.4. Етказиб берилган таъбний газнинг сифати шартнома ёки норматив ҳужжатлар талабларига мос келмаганда, Истеъмолчи газ қабул қилиш ёки унинг учун ҳақ тўлашни рад этганда Етказиб берувчидан етказиб берилган сифати зарур даражада бўлмаган газ ҳажми қийматининг 20 фоизи микдориди жарима тўлашни талаб қилиш ҳуқуқига эга. Агар, газ қиймати тўланган бўлса, Истеъмолчи Етказиб берувчидан белгиланган тартибда тўланган суммани қайтаришни талаб қилиш ҳуқуқига эга.

8.5. Етказиб берувчи томонидан шартномада кўрсатилган ҳажмлардан кам газ етказиб берилганда, Етказиб берувчи Истеъмолчига муқаддатан ҳар бир кун учун мажбуриятларининг бажарилмаган суммасининг 0.5 фоизи микдориди, бироқ етказиб берилмаган газ қийматининг 50 фоизидан ошмайдиган микдорда пеня тўлайди.

8.6. Шартномада кўрсатиб ўтилган муқаддатларда етказиб берилган газ ҳақи ўз вақтида тўланмаган тақдирда, Истеъмолчи муқаддатан ҳар бир кун учун муқаддатан тўлов суммасининг 0.4 фоизи микдориди, бироқ муқаддатан тўлов суммасининг 50 фоизидан ошмайдиган микдорда пеня тўлайди.

IX. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ТАЛАБЛАР

9.1. Ушбу шартноманинг ҳар бир тарафлари бир-бирига нисбатан амалдаги коррупцияга қарши кураш талаблари, шу жумладан, бу билан чекланиб қолмасдан, барча амалдаги қонуни ва қондаларга оид шартларини ва талабларини таъбиқ этилишини ифода қилади ва қароқўлга қўлади.

9.2. "Истеъмолчи" "Етказиб берувчи"га мазкур шартнома доирасида қуйидагиларни қароқўлга қўлади ва қуйидаги мажбуриятларни ҳам ўз зиммасига олади: Шартноманинг амал қилиш муқаддат доирасида у (шунингдек, унинг ходимлари, директорлари, агентлари ва бошқа вакиллари), истеъмолчи манфаатлари учун агент ёки вакил сифатида ҳаракат қилиб, "Етказиб берувчи"нинг коррупцияга қарши амалдаги талабларига ва Ўзбекистон Республикасининг барча қонуни ва қондаларига қатъий риоя қилади.

X. НИЗОЛАРНИ ХАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

10.1. Келишмовчиликлар ва низоли масалалар юзата келган тақдирда томонлар қондага қўра, улфрни судга хал этиш чораларини қўрайдилар.

10.2. Келишмовчиликлар ва низоли масалаларни хал этиш учун тарафлар белгиланган тартибда жавобгар жойлашган жойдаги тегишли судга мурожаат қилишга ҳақийдилар.

10.3. Шартнома шартларини бир томонлама рад этиш ва бир томонлама ўзгартиришга йўл қўйилмайди, қонунда белгиланган ҳолатлар бундан мустасно.

XI. ФОРС-МАЖОР ХОЛАТЛАР

11.1. Томонлар:

а) таъиний офатлар;

б) магистрал газ кувурларида ва газ тармоқларида, газни кайта ниқлаш корхоналари ва газ казиб чиқариш жойларида кўтилмаган авария вазиятлари юзала келганда, шунингдек енгиб бўлмас кучлар туфайли содир бўлган таъиний офатлар, хушсан, сел, ёмғир, сув тошқини, ёнғин чиқиши, ер қимирлаши, вирус тарқалиши ва пандемия даврида ҳамда Ҳукумат қарорига асосан тарафлар шартнома бўйича ўз мажбуриятлари бажариш имкони бўлмаган ҳолларда жавобгарликка жалб этилмагандан, таъ етказиб бериши тўхтатиш, кичиратириш ёки муносабатларни тўхтатиш ҳуқуқига эга бўладилар.

11.2. Форс-мажор ҳолатлар юзала келган тақдирда, тарафлар ҳар қандай алоқа воситаси ёрдамида бир-бирини хабардор қилиши керак.

11.3. Агар кўрсатилган ҳолатлар 90 кундан ортиқ кун мобайнида сақланиб турса, томонлар музокаралар йўли билан шартномани келгусида бажариш тўғрисидаги қарор қабул қилдилар.

XII. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШИ

12.1. Ушбу шартномага ўзгартририш ва қўшимчалар ёзма равишда расмийлаштирилиши ҳамда тарафлар томонидан имзоланиши керак.

12.2. Бюджет ташкилотлари учун шартнома Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 28 февралдаги ПҚ-594-сон қарорига асосан Фазначилик бўлими томонидан мажбурий тартибда рўйхатдан ўтказилган кундан бошлаб кучга киради.

12.3. Шартнома _____ йил 31 декабрда бўлган муддатга тузилган. Шартноманинг муддати тугатилгандан кейин, агар томонлардан бири шартномани бекор қилиш тўғрисида талаб билан мувожаат қилмаган бўлса, шартнома кейинги йилга ўзайтирилган ҳисобланади.

Бюджет ташкилотлари учун шартнома бир йилга тузилади, шартноманинг муддати тугатилгандан кейин, агар томонлардан бири шартномани бекор қилиш тўғрисида талаб билан мувожаат қилмаган бўлса, шартнома кейинги йилга ўзайтирилган ҳисобланади. Бюджетдан маъблар олувчилар ҳар йили "____" йил 31 декабр санасига" амал қилишлари лозим.

12.4. Томонларнинг ушбу шартнома бўйича дарьволари даъво қабул қилинган кундан бошлаб 30 кун мобайнида кўриб чиқилади.

XIII. ЯКУНЛОВЧИ ҚОНДАЛАР

13.1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 18 июндаги "Таъиний газ ва электр энергиясини сотиш механизмининг такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги № 6010-сон Фармони қабул қилиниши муносабати билан Таъиний газни улгуржи истеъмолчиларга етказиб бериш жараёнида Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурава хўзурдаги Мажбурий ижро бюросининг (БЮРО) барча ваколатлари 2020 йилнинг 1-августига қадар амалда бўлади.

13.2. Ушбу шартнома томонларнинг ҳар бири учун икки нусxada тузилган, иккада нусхаи хам бир хил юридик кучга эга.

XIV. ТОМОНЛАРНИНГ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА МАНЗИЛИ:

«ЎТКАЗИБ БЕРУВЧИ» «Худудгаз Корпорацияси»	«ИСТЕРМОЛЧИ» БУС
Манзил: Тел./факс: Нукус шаҳри, Берах гузар №179	
К/У/Т коди XXI/УТ 35220	
Боғлаш телефонлари: 0361 224-04-08, 224-00-59, 224-02-43	
х/р:	
Банк номи: «Ўзсалоотқурилиш банк Раҳат филиали»	
МФО: 00435	
ИНН: 306605769	
Х/Р: 22634000705113960485	
Раҳбар: Х.Айманов (ф.и.ш.)	Раҳбар: _____ (ф.и.ш.)
Манзил: _____ Муҳр ўрни _____	Манзил: _____ Муҳр ўрни _____

Юридик маслиҳатини хўласидан



(Ф.И.Ш.) _____
Юридик маслиҳат берилмаган

Настоящий договор соответствует требованиям
Гражданского кодекса и Закона Республики
Узбекистан "О договорно-правовой базе
деятельности хозяйствующих субъектов"

Юрист _____ 24 ЯНВ 2022 20 г.